



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ХОТИРАСИ ЁД ОЛИНДИ

30 январь, Тошкент шаҳри. Анъанадагидек, Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига кенг жамоатчилик йиғилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, Ислон Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, зиёлилар ҳам Биринчи Президентини хотирасига ҳурмат кўрсатди. Эл фидойиларини унутмаслик, яхши ишларини эслаш ва кадрлаш миллатнинг миллатлигини кўрсатадиган жиҳат. Бу кейинги авлодлар учун ҳам ибрат, ҳам фазилатдир.

Маросимда ана шундай эҳтиром намоеён бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз манфаати йўлидаги тарихий ишлари, олижаноб хислатлари ёдга олинди. Давлатимиз раҳбари мажмуада Ислон Каримов музейини ташкил этиш ишларининг бориши билан танишди. Ислон Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

Ў.А.

Транспорт соҳасида давлат бошқарув тизими такомиллаштирилади

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, турли қондабузарликлар содир этилиши, инсонлар ўлими билан боғлиқ муҳим ҳолатларнинг олдини олиш масалалари доимий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан. Бу борада муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинган "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу борадаги сайё-ҳаракатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасига кўра, эндиликда йўлларда хавфсизлигини таъминлашда экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги, маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчилари фикрининг инобатга олиниши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳам қайта кўриб чиқилган бўлиб, Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигининг ваколатлари кенгайтирилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилар экан, унинг ниҳоятда зарур эканлигини қайд этдилар.

– Афсуски, кейинги йилларда автохалокатлар қурбонлари сони тобора ортиб бормоқда, – деди депутат Мақсуда Ворисова ўз муаммолари муҳаббатлари билан. – Муаммони қонунчиликка муайян ўзгаришлар киритибгина тизимли ҳал қилиш мумкин. Бундан ташқари, экстремал иқлим шaroитлари, табиий офатлар, авариялар, ёнғинлар ёки техноген хусусиятга эга бошқа фавқулодда вазиятлар рўй берганда, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимояланиши лозим. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраб турган тушунмовчиликлар бартараф этилади, йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйилаётган умумий талабларга, асосий курсаткичларга ва техник воситаларга аниқлик киритилади.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Оҳангаронда чиқиндидан электр энергияси ишлаб чиқарилади

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, соҳага янги инвестиция лойиҳаларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ҳам маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Маълумки, ҳудуднинг "Янги ҳаёт" маҳалласида Тошкент шаҳар чиқинди-хона полигони мавжуд бўлиб, бу ерда тўпланган чиқиндилар атроф-муҳитга ҳамда атмосферага салбий таъсир кўрсатаётди. Шунинг билан эътиборга олиб соҳага киритилаётган янги инвестиция лойиҳаси натижасида ушбу муаммо бартараф этилади.

Гап шундаки, туманда Жанубий Кореянинг "Sejin G&E Co. Ltd" компанияси томонидан маиший чиқинди полигонларидаги чиқиндилардан газ олиб, газни қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишига старт берилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари ва Энергетика вазирликлари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Экология вазири ўринбосари бошчилигидаги делегация вакиллари иштирок этди.

Тадбирда янги лойиҳанинг тақдими бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг маълумоти

лумотига кўра, "Янги ҳаёт" МФЙ ҳудудида жойлашган чиқинди полигонининг умумий майдони 89 гектарни ташкил қилиб, ушбу полигонга Тошкент шаҳридан бир кунда қарийб 2 минг тоннагача чиқинди ташланади. Ушбу чиқиндиларнинг ҳажми катталиги ҳамда ўз вақтида утилизация қилинмаслиги туфайли атроф-муҳитга катта зиён етмоқда, дея хабар беради ўз муҳбири Абдулазиз Мусаев.

Президентимиз 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида мазкур чиқинди полигонини янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги тўғрисида топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, "Чиқинди газидан электр энергияси ишлаб чиқиш" инвестиция лойиҳаси доирасида Оҳангарон қаттиқ маиший чиқинди полигони ҳудудидан 1 гектар ер майдони ажратилди. Умумий қиймати 55 миллион долларга тенг бўлган ушбу лойиҳанинг йиллик электр ишлаб чиқариш қуввати 16 мегаваттни ташкил этади. Лойиҳа доирасида полигондаги чиқиндиларнинг усти ёпилиб, улاردан газ олинади. Газни қайта ишлаб чиқариш эвазига эса электр энергияси олинади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг сарҳисоб йиғилиши

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан 2022 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2023 йилга мўлжалланган режалар муҳокама этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонининг моҳияти ҳақида сўз борди.

Дастлаб Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи Қозим Туляганов ўтган йилдаги қурилиш объектларининг назорати бўйича статистикани танқидий таҳлил қилди. Шундан сўнг, аниқланган ноқонуний қурилишлар сони, рўйхатга олинмаган объектлар ҳақида ҳар бир ҳудудий назорат инспекцияси раҳбарлари ҳисобот тақдим этди. – Фуқаролар ёзаётган ҳар бир мурожаат тўғрисида, биз бу борада масъулиятсизлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар бир қурилатган объект учун барчамиз бирдек жавоб беришимизни унутмас-

лигимиз керак, – деди инспекция бошлиғи Қозим Туляганов.

Йиғилишда соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди. Шунингдек, қурилиш объектларидаги мониторинг жараёнлари инспекция томонидан "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими доирасида онлайн режимда амалга оширилаётгани, бу эса текширишлар жараёнининг янада сифатли бўлишига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.



Жисмоний ва юридик шахслар учун қабул



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида жисмоний ва юридик шахслар қабули бўлиб ўтди. Унда вазир ўринбосари Озода Жўраева аҳолининг коммунал соҳага оид мурожаатларини қабул қилди. Хусусан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилоти фаолиятдан норозилик, уни ўзгартириш бўйича таклифлар қабул қилинди.

– Албатта, биз мурожаатингиз бўйича сизга хизмат кўрсатадиган бошқарув ташкилоти фаолиятини ўрганамиз. Аммо сизлар ҳам аҳоли орасида мажбуриятсиз ҳуқуқ бўлмағлигини тушунтиришингиз лозим. Битта кўп қаватли уйнинг ўзида 90 млн сўм қарздорлик бор экан,

айтинг, мажбурий бадални тўламай туриб, қандай самарали ишни талаб қилиш мумкин, – деди вазир ўринбосари.

Қабул қилинган мурожаатлар Озода Жўраева иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганилиши таъкидланди.

БСК фаолияти ўрганилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева "Менимча" телевизион лойиҳаси ижодкорлари билан биргаликда пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги "Classik building communal" БСК фаолиятини кўздан кечирди. Хусусан, компаниянинг диспетчерлик хизмати, аҳоли мурожаатларини қабул қилиш ва бартараф этиш тартиби, техник имкониятлари ўрганилди.

Шунингдек, аҳолидан келиб тушган мурожаатлар ва уларни бартараф этилиш жараёни жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Вазир ўринбосари ҳар бир кириш йўлига компания ҳақида маълумотлар жойлаштириш кераклигини таъкидлади. "Classik building communal" БСК мазкур

ҳудуддаги 82 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 40 га яқин кўшимча хизматлар ташкил этилган. Бошқарув сервис компаниясининг 52 нафар ишчи-ходими аҳолининг муаммоларини тезкор бартараф этиш, сифатли хизмат кўрсатишга сафарбар этилган.



БИЛАСИЗМИ?

Ҳаракатда ёнувчи чироқларнинг ўрни

Бугунги кунда кўп қаватли бино ва иншоотларда электр энергиясидан самарали фойдаланиш долзарб масала. Бунда эътибор қаратиш зарур бўлган айрим норма ва қоидалар мавжуд. Бу ерда гап ҳаракат товушига қараб ёниб-ўчадиган ускуналар ҳақида бормоқда. 2.01.05-сонли шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг 4.27-бандида бу масаланинг амалий ечими белгилаб берилган.

Эътибор беринг, уч қаватдан ортиқ бўлган биноларнинг вестибюллари, зиналари, лифт олди майдонлари, хонадон олди йўлакларини ёритишда шовқин товушида ёнадиган қурилмалардан фойдаланиш тавсия этилади. Одамларнинг бинолардан ўтиб боришида ёритилганлик даражаси маълум нормаларга мос келиши лозим. Энергияни тежаш мақсадида хонадонларни қисқа вақт ичида ёниб-ўчадиган қурилмалар ёки ҳаракатни ва ёруғлиқни сезувчи мосламалар билан таъминлаш тавсия этилади. Ундаги ускуналарни қўллаш жараёни эса тегишли лойиҳалаш топшириги орқали амалга оширилади.



ДИҚҚАТ!

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИКЁСИДАГИ ТЕЗКОР ШТАБИДА

24/7

ИШ РЕЖИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДИДА БЎЛИШИНГИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР СОҲАГА ОИД МУРОЖААТЛАРИНГИЗ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ РАҚАМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

71-210-11-02.

Фаровонлик юртимиз ободлигига хизмат қилади

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Аҳоли сонининг ошиши ҳудудларда зарур шароит ва имкониятларга эга уй-жойларга бўлган талабни ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам Наманган вилоятида жорий йилда қурилиш бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқиш, шаҳарсозликнинг янги намуналарини ўзида жо этган турар жой массивларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Наманган вилоятининг ўзида жорий йилда Президентимизнинг "2023 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида 497 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига 16 та мактаб, 13 та бочка, 9 та шифохона, 1 та олий таълим муассасаси, 17 та ичимлик сув ва канализация тармоқлари, 10 та автойўл ва бекатлар, кўприклар, 7 та ирригация ҳамда 3 та мелиорация объектлари 7 та қирғоқбўйи ва химоя иншоотлари, бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектлари, махсус икситош зоналар, кичик sanoat ҳудудлари, ёшлар sanoat зоналарини қуриш режалаштирилган.

– Наманган вилоятининг истиқболли режалари сифатида 2023 йил дастурини инобатга олган ҳолда жорий йилдаги 465-сонли қарорни тахлил қиладиган бўлсак, яъни ўтган йилги 98-қарорда жами 101 та объект, яъни ижтимоий соҳа объектлари Инвестиция дастурига киритилган, – деди Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Дostonбек Баҳодир ўғли. – Яъни, Инвестиция дастурига киритилган 101 та объектнинг қурилиши, янгидан реконструкция қилиниши ҳамда барпо этилиши режалаштирилган. Вилоятда кўп хонадонли турар жой биноларининг қурилиши бўйича жами 11 минг 868 та хонадонлар барпо эти-



лади. Шунингдек, Наманган шаҳрининг таркиби бўлган Янги Наманган ҳамда Давлатобод туманларида 5 минг 326 та хонадон қурилади. Бу эса жорий йилги режанинг 44 фоизини ташкил қилади.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг катта қисми Давлатобод тумани ҳиссасига тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, жорий йилда 4 минг 23 та хонадонга кўп қаватли турар жой мажмуалари барпо этилади. Уларда ҳам аҳолининг талаб ва истаклари, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари акс эттирилади. Қисқаси аҳолининг яшаш учун муносиб шароит ва имкониятлар яратилади.

– Давлатобод туманида 2022 йилда 65 га яқин кўп қаватли турар жойларнинг қурилиш ишлари аяқланиб, аҳолига фойдаланишга топширилди, – деди Давлатобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи Жобирхон Абдуллаев. – Бундан ташқари, Янги Наманган ҳудудига 250 га яқин кўп қаватли, 9, 12, 16 қаватли турар жойлар қурилиши режалашти-

рилган. Тадбиркор қурувчилар томонидан ушбу ер майдонлари лотларга бўлиниб, аукцион тартибда харид қилинди. 2023 йилда кўп қаватли уйлари сифатли ва тез мuddатларда барпо этиб, аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида барча ишларимизни режа асосида олиб борамиз.

Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида Наманган вилоятидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борганда Наманган шаҳридаги аввалги Технология маркази негизда Травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази қурилиши ҳам маълумотида биринчилардан бўлиб барпо этилаётганини таъкидлаш ўринли.

Юртимизда инсонпарварлик тамойили асосида олиб борилаётган эзгу ишлар ифодаси ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда ўз аксини топаверади. Зеро, жамиятнинг кичик бир бўғини ҳисобланмиш муқаддас гўша – оиладаги тотувлик, фаровонлик, юртимиз ободлиги ва равақини таъминлашга хизмат қилади.

Иморатни қурмасдан, шароитни ўйлаш кун талабидир

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанд вилоятида ҳам ҳар йили улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқлар бир-биридан кўркам манзара касб этмоқда. Қад ростлаётган ҳашаматли иншоотлар мазкур кўркамга кўрк қўшиш қаторида одамлар кайфиятига катта таъсир кўрсатяпти. Инвестиция дастурига мувофиқ қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектлар, шунингдек, уй-жойлар фаровонликка хизмат қилаётгани эътиборлидир.

Шунингдек, тадбиркорлар, хусусий пудрат ташкилотлари ва яқка тартибдаги шахслар юртимизда рўёбга чиқарилаётган яратувчиликка муносиб улш қўшиб, шинам квартиралар, маданий, савдо мажмуаларини тиклашда фаоллик кўрсатишмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхшиликка йўрилган, албатта. Бироқ, бу йилги қиш мусуმიдаги совуқ туйфайли соҳадаги мавжуд меъёр ва талаблар анчагина орқада экани сезилиб қолди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, Президент топшириғига асосан Бош вазир раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида муаммоларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар алоҳида таъкидланиб, мутахассислар, лойиҳачи-муҳандислар олдида аниқ топшириқлар кўйилди. Жумладан, 1991 йилгача қурилган 31 мингга уй-жойни иситиш тизимини янгилаш, энергия самарадор йўллар излаш, топиш ва амалиётда қўллаш лозимлигига эътибор қаратилди.

Масалан, давр талабига мувофиқ эски уйларининг фасад қисмини реновация асосида босқичма-босқич базальт қопламасига ўтказиш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига иссиқ сув ва электр билан таъминлашни назарда тутувчи дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш чоралари кўрилиши керак. Эндиликда қуриладиган кўп қаватли иморатлар, ижтимоий соҳа объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларига энергия самарадорлик даражаси юқори бўлган бинокорлик материаллари ва жиҳозлардан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланмоқда. Бинобарин, уйни қурмасдан олдин унда яшаш учун шароит яратиш ҳақида қайғуриш энг мақбул ечимдир.

– Бугунги талабга жавобан Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари аллақачон ишга киришиши, – деди ташкилот матбуот котиби Сарвар Бобоназаров. – Улар вазирликнинг 2023 йил 19 январдаги "Қурилиш соҳасида энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, видеоселектордаги топшириқлар бўйича жойларда барпо этилаётган қурилиш объектларига бўлиб, ҳолатни жиддий ўрганишяпти. Мисол учун, Иштихон, Нуробод, Жомбой, Нарпай, Каттақўрғон туманларидаги объектларда замонавий иссиқлик сақловчи материаллардан фойдаланиш бўйича масууллар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Иштихон туманининг Амир Темур кўчасидаги "Feguzbek progress" МЧЖга қарашли савдо ва хизмат кўрсатиш биноси, Тоғай қишлоғида қурилаётган хизмат кўрсатиш биноси, Жомбой туманидаги А. Қурбонов номидаги МФИдаги "Нуронийлар чойхонаси", Нарпай туманидаги Беклар қишлоғида қад ростлаётган иншоот пудратчиларига зарур маслаҳатлар берилди. Буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари ҳам тегишли кўрсатмалар олди.

Айтиш жоизки, назоратчилар жорий йилда бошланган қурилиш ва реконструкция қилинадиган бино-иншоотларни лойиҳалаштириш ва ишга туширишда иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг камида 25 фоизи ушбу объектларга ўрнатиладиган қўёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланиши талаб этилишини ҳам тушунтиришяпти.

ҚАШҚАДАРЕДАН ДАРАКЛАР

Янги уйлар калити топширилди

Шухрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Қарши шаҳрида ҳам ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун қуриб битказилган 60 та янги хонадонларнинг калитлари эгаларига тантанали равишда топширилди. Унда Қарши

шаҳар ҳокими, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Фармацевтика корхонаси иш бошлади

Китоб туманидаги "Дўстлик" кичик sanoat зонасида "Kifti-ob dori-garmon" МЧЖ томонидан "ANOR PHARM" бренди остида илк дорини воситалари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Мазкур корхона вилоятда ягона бўлиб, аҳолини арзон ва сифатли дори маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. У 2 миллиард сўм маблағ эвазига Хитой давлатининг замонавий технологиялари билан жиҳозланди ва 11 турдаги дори-дармонлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона тўлиқ ҳажмида иш бошлаган, маҳсулотларнинг бир қисми Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинади.

Мижозлар учун энди муаммо бўлмайди

Аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва миждозларга қулайликлар яратиш мақсадида Халқ банкнинг Қашша тумани филиали замонавий қиёфага келтирилиб, тўлиқ қайта таъмирланди.

Янги бино ишга тушиши билан 600 нафарга яқин миждозга замонавий банк хизматлари кўрсатилади. Бунинг натижасида навбат кутишларнинг олди олинмоқда.

600 та иш ўрни яратилади

Яккабоғ туманида "Оқсарой кластер" МЧЖ томонидан барпо этилаётган текстиль корхонасининг қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Жорий йилда ишга тушадиган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 19,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва бу ерда 600 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Азлартепаликларнинг қувончи чексиз

"Обод маҳалла" дастурига кўра, Қашша туманининг Азлартепа маҳалласида лойиҳа қиймати 296,5 миллион сўмлик фуқаролар йиғини биноси қад ростлади.

Шунингдек, дастурга биноан бу ерда 29,5 километр ички йўллар таъмирланди ва 26,9 километр сув тармоғи тортилиб, 560 хонадондаги-

ларнинг эҳтиёжи қондирилди. Шу билан бирга 2 та янги трансформатор ва 166 донга темир-бетон устунлар ўрнатилиб, 7,1 километр электр узатиш

симлари тортилди. Ижтимоий объектлардан 2 таси эса капитал таъмирдан чиқарилиди ва маҳаллада пиёдалар йўлаги қурилди.

Ота-оналарнинг орзуси ушалди

Қашша туманидаги "Қатагон" МФЙда ишга тушган янги мактабгача таълим муассасаси 150 нафар қишлоқ болажонларини ўз бағрига олиб, бу соҳада қамров даражаси янада ошишига ҳисса қўшди.

Замонавий бинода болажонларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароит яратилган.

– Ҳудудда болаларни мактабгача таълимга

қамраб олиш учун саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда, – деди туман ҳокими ўринбосари Бекзод Эшонқулов. – Бу каби ишлар тизимли давом эттирилади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Сувда кечаётган умр

Ислом ИБОДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳар тонг ўрнимиздан туриб, сув жўмрагини очамиз. Юз-қўлимизни чайиб, таомланамиз. Аммо уйимизга оқиб кираётган ҳар томчи сувнинг ортида бутун бошли жамоа кеча-кундуз тер тўкаётганидан хабаримиз борми? Баъзан, уйимиз тағига келиб, носоз тармоқларни таъмирлашга ошиқаётган ишчиларни ёзғириб, шикоят қиламиз. Шу кунлардаги аномал совуқ шароитида сув кечиб, дарз кетган қувурларни таъмирлаётган оддий сувсозларни кўрсангиз, балки фикрингиз ўзгарар эди!..

"Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ ходимлари ҳамда уста ишчилари аномал совуқ бўлишига қарамадан ўз юмушларини сидқидилдан бажаришмоқда. Жамиятнинг тезкор авария тиклаш гуруҳи пойтахтдаги хавфлилик даражаси юқори бўлган авария ҳолатларини тўхтатишда жонбозлик кўрсатяпти. Ушбу февралда ҳолатларни бартараф этиш ишларида кўп сонли гуруҳлар қатнашяпти. Уларнинг орасида барчамизга ўр-нак бўла оладиган метин иродали оддий сувсоз ишчи-ҳодимлар бисёр. Жаҳсилиқ Айнабаев ҳам қайсида маънода парда ортидаги қаҳрамонлардан биридир. У тезкор авария тиклаш гуруҳи таркибига сув таъминотида ураётган йирик носозликларни таъмирлаш жараёнида ўзининг илгорлиги билан ажралиб туради.

– Сув таъминоти соҳаси мен учун бегона эмас, – деди Жаҳсилиқ Айнабаев. – 2009-2017 йиллар ораллигида хорижда сув таъминоти тизимидаги корхоналарда ишлаб, етарлича малака оширдим. Қарийб икки йилдан бери "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖда меҳнат қилиб келмоқдаман. Битта жамоада тўрт киши бўлиб ишлаймиз. Ишчи-миз асосан йирик сув таъминоти қувурларидаги аварияларни бартараф этишдан иборат бўлади. Таъкидлаш керак, сув таъминотида ходимнинг малакаси муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳолатлар бўладими, тармоқдаги носозликлар ижтимоий объектлар, бир қанча кўп қаватли хонадонларни сув билан боғловчи қувурларда юзага келади. Бунда аҳоли талабига биноан сувни тўхтатмасликка уруғ бериллади. Катта босимда қувурдан тошиб чиқаётган сувни ўчирмасдан, муаммони бартараф этишга тўғри келади. Шунда муҳандис ва ишчи-ҳодимларнинг вазиятдан келиб чиқиб, тўғри қарор қабул қилиш қобилияти кўл келади. БевоСИта катта босимли оқова сув тармоғини узмасдан қувурлар хомутланади.

Маълумки, Тошкент шаҳридаги туманлар кесимида сув таъминоти корхоналарининг бирик-тирилган авария тиклаш бригадалари мавжуд. Улар авария даражасининг диаметридан келиб чиқиб асосан кичик ҳажмли носозликларни бартараф этишди. Йирик тармоқлардаги, хусусан, 900-1800 миллиметрли йирик сув таъминоти тармоқларидаги мураккаб авария ҳолатлари эса бевоСИта тезкор авария тиклаш гуруҳлари томонидан бажарилади. Носозликларнинг келиб

чиқиши асосан юқоридаги туманлараро сув таъминотини боғловчи кенг ҳажми сув қувурларида босимнинг кескин ошиб кетиши сабабли юзага келади. Аномал совуқ шароитда ёрилган қувурларни таъмирлаш ўзининг бир қанча мушкулликларига эга бўлди. Қувур ёриғидан сизиб чиқаётган сувни жиловлан мақсадида оқова сувни тўхтатиш хонадон эгаларининг жабр кўришига олиб келади. Негаки, сув тўхтаган тақдирда аҳоли хонадонларига йўналтирилган кичик сув қувурлари музлаб қолиши, бунинг ортида иш янада қийинлашиб кетиши мумкин. Одатда йирик авария ҳолатларининг бартараф этилиши озоқ вақт олади. Ишчилар туну кун меҳнат қилишларига тўғри келади.

– Авария содир бўлган ҳудудда ёрилган ёки синган сув қувурларини таъмирлашда эҳтиёткорлик асосий ўринда бўлади, – деди Жаҳсилиқ Айнабаев. – Чунки дарз кетган қувур қисмидан чиқаётган сув босимини тўғри баҳоламаслик ортида ишчиларнинг ўзига ҳам зарар етиши мумкин. Сув жуда хавфли. Биринчи ўринда сувнинг босими қисман камайтирилади. Кейинги жараёнда сув тошиб чиққан қувурга бўлган чуқурликдан махсус насослар ёрдамида сув тортиб олиниб, ишчилар чуқурга тушади. Қувурнинг ёрилган жойини аниқлаб, ёғоч қоқилади ва сув тўхтатилади. Шу билан бирга қувурнинг ташқи қисмига темир ўралиб, пайвандланади. Агар бу турдаги авариялар катта йўлларда содир бўлса, муаммо бартараф этилгандан сўнг сув тошиб чиққан чуқур бир мuddат кўмилиб қолдирилади. Ҳудуд ўзининг табиий зилчилигига қайтган, асфальт ишлари бошланади.

Бугун "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ тавсияси асосида корхонада иш олиб бораётган ишчилар олий таълим олиш учун маълум имтиёз ҳамда квоталарга эга бўлиши мумкин. Қаҳрамонимиз ҳам гап-сўзида келажак режалари ҳақида тўхталар экан, келажакда бевоСИта сув таъминоти тизимида ўқиб, касбий ютуқларга эришиш ниятида эканлигини яширмайди. Албатта, турли соҳаларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган малакали ишчи-ҳодимлар бисёр. Уларни мақсадли ўқитиш орқали соҳани янада ривожлантиришга эришилади. Айтиш кераки, сув таъминоти соҳасида Жаҳсилиқ Айнабаев каби интилувчан, ўз касбининг устаси бўлиб улгурган ходимлар талайгина.

Улар бор жойда ободлик бўлади

Самандар ПАРДАБОВЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Совуқ об-ҳаво бир неча кун давом этиши оқибатида автомашини ва пидедалар юриш йўлақларини муз қоплаб, юриб бўлмайдиган ҳолатга келган эди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам маҳаллаларни ободонлаштириш ва йўлларни таъмирлаш-тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, маҳаллада яшаётган инсонлар ҳам уйлар атрофидаги йўлақларни муздан тозалаш, ҳудудий ободонлаштириш ишчи-хизматчиларига яқиндан ёрдам беришяпти. Албатта, ҳар бир иш натижаси билан яхши, деганларидек, ободонлашгаётган ҳудудларда келса инсонлар, ёш болалар, шу кунларда беҳавотир юриб, бунинг учун ўз меҳнатини аяматган соҳа ишчиларидан миннатдор бўлишяптими ишчи-хизматчиларнинг кучига куч қўшиб, ғайратини оширяпти.

Қоронги тушганига қарамай, кўп қаватли уйлар атрофидаги йўлақларни муз қопламалардан тозалаётган келса онахон Азиза Абдуллаева шу жойдан ўтаётган ҳар қандай кишининг эътиборини тортмасдан қолмайди. У кишини суҳбатга тортиди.

– Олтиш уч ёшни қаршиляпман, ҳукуматимизга раҳмат, биз сингари нафақахўрлар ишларини истаса шароит яратиб берган, – деди онахон. – Уйда ўтириб, бекор туришдан кўра, одамларга нафтинг тега, қанча яхши. Қишнинг бу совуқ кунлари ҳам бизчамиз учун бир синов бўлиб, алдан ҳеч ким зич кўрсатилми керак. Шунинг учун ҳамкасбларимиз билан биргаликда айни пайтда Бунёдкор шохқўчасидаги уйлар атрофини муздан тозалаймиз.

Пойтахтимиз кўркамлигини сақлаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётганлардан бири – Чилонзор тумани ҳудудий ободонлаштириш бўлимида меҳнат қилаётган Азиза Абдуллаева кабилар эса фаришталарга ўхшайди. Улар кишининг совуқ кунларига ҳам уларнинг аямасдан беминнат хизмат қилишяпти. Бундай инсонлар меҳнатига ҳар қанча танасанлар айтса, арзигуликдир.

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022 йил 26 июлдаги мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сонли ҳамда 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарорларига асосан “Ўзгросервис” АЖ тизимидаги туман машина-трактор паркларини устав капитали (фонди)даги ҳудудий “Агросервис МТП” МЧЖларига тегишли улушларини машина-трактор паркларига фаолиятини сақлаб қолиш мақсадидаги талабгор тадбиркорлик субъектлари ва кластерларга бир йил муддатга бўлиб тўлаш шарти асосида сотиш тўғрисидаги ҳамда “Анджон Агросервис МТП ва ИСМ” МЧЖ ягона иштирокчисининг қарорига асосан жамият устав капитали (фонди)даги 100 (юз) фоиз улуш бўйича

“Respublika mulk markazi” МЧЖнинг Poytaxt filiali

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Очиқ танлов савдога “Анджон Агросервис МТП ва ИСМ” МЧЖ устав капитали (фонди)даги 100 (юз) фоиз улуш “Ўзгросервис” акциядорлик жамияти ижроия органининг 2023 йил 25 январдаги О9-011105-67-сонли буюртманомасига асосан қўйилмоқда.

Манзил: Анджон вилояти, Анджон тумани, “Ербоши” МФЙ, Айрилиш маҳалласи манзилида жойлашган “Анджон Агросервис МТП ва ИСМ” масъулияти чекланган жамиятининг 100 (юз) фоиз улуши.

Балансда сақловчи: “Ўзгросервис” акциядорлик жамияти.

Фаолияти-ихтисослиги: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация, сервис ва таъмирлаш хизмати кўрсатиш. **Бошланғич нархи** – 3 681 897 203 сўм.

ТАНЛОВ САВДОНИНГ АССОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.

2. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда шахсан ёки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

3. Танлов иштирокчиси ўз бизнес-режасида куйидагиларни ёритиши зарур:

– машина-трактор паркиннинг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини ўзгартирмасдан (камида икки йил), узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва ишоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ тақлифлар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича тақлифлар (бир йилда камида 500 000 000 (беш юз миллион) сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш), қўшимча инвестиция киритиш бўйича тақлифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан

кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини тақлиф қилиш;

– сотиб олиш қийматининг энг қисқа муддатда тўлаш бўйича тақлифлар (кўпи билан 12 ой);

– машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича тақлифлар;

– иштирокчининг бошқа тақлифлари ва уларнинг самардорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча ва рақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо қолибига танлов натижалари фолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида жамиятнинг ягона иштирокчиси “Ўзгросервис” АЖ билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдонини ўтказиш 2023 йил 2 март куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да “Respublika mulk markazi” МЧЖнинг мазмурий биносида бошланади. Тақлифларни очиб вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов тақлифларини қабул қилиш муддати 2023 йил 28 февраль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади (тақлифлар

тушмаган тақдирда, танлов савдолари 2023 йил 16, 30 март ҳамда 13, 27 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов тақлифларини қабул қилиш бир иш кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Талабгорлар улуш бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза буюртманомаси топширилгунга қадар) савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖнинг Poytaxt filialining куйидаги банк рекевизитларига тўлашлари лозим: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр банк” Олмazor филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Танлов қолиби биринчи тўловни улуш бозор қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини (10 фоиз закалат пулига қўшимча 20 фоиз қўшимча тўловни) шартнома имзолангандан сўнг, узоғи билан бир ой муддатда амалга ошириши, қолган 70 фоизини бир йилгача бўлган муддатда бўлиб тўлаши мумкин.

Танлов савдоси ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Маълумотлар учун телефон: 71-237-23-96, 71-237-23-86.

Веб-сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

2023 йил 2 март куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога Янгибозор тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорча ер эгалари кенгашининг 2023 йил 25 январдаги 19-сонли хатига асосан куйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 307 YAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги DAMAS 2-DLX русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 38 750 000 (ўттиз саккиз миллион етти юз эллик минг) сўм. Ушбу автотранспорт воситаси 2023 йил 2 мартдаги очиқ аукцион савдога сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2023 йил 31 май кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Очиқ аукцион савдога иштирок этиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдога қатнашиш истатида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ ҳисоб рақамига 3 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Закалат пулини тўлаш учун рекевизитлар: ҳисоб рақами: 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88.

Расмий веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “LOMBARD SHOKIR INVEST” МЧЖнинг 2023 йил 26 январдаги 28-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Сергели тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 7 январдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТ3-2, 51-уй, 10-хонадонда сақланаётган куйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	3142	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,99 гр., с.о. 2,79 гр., 585 пр.	1114 860,80
2.	3453	Узук 1 дона, у.о. 7,22 гр., с.о. 7,00 гр., 585 пр.	2 718 749,28
3.	3457	Узук 1 дона, у.о. 4,85 гр., с.о. 4,85 гр., 750 пр.	1 899 287,80
4.	3786	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 2,83 гр., с.о. 2,83 гр., 585 пр.	1 135 679,32
5.	3853	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 33,00 гр., с.о. 33,00 гр., 585 пр.	13 374 928,00
6.	4326	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 4,05 гр., с.о. 2,95 гр., 585 пр.	949 605,00
7.	4407	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 7,78 гр., с.о. 7,08 гр., 585 пр.	3 075 695,40
8.	4598	Занжир 1 дона, у.о. 5,41 гр., с.о. 5,41 гр., 585 пр.	2 336 436,00
9.	4903	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 10,94 гр., с.о. 10,04 гр., 585 пр.	4 029 600,00
10.	4904	Сирға 1 жуфт, у.о. 6,14 гр., с.о. 5,84 гр., 585 пр.	2 296 440,00
11.	4965	Узук 4 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 25,35 гр., с.о. 20,15 гр., 585 пр.	9 144 240,00
12.	5051	Занжир 1 дона, узук 1 дона, у.о. 5,75 гр., с.о. 5,75 гр., 585 пр.	2 314 707,26
13.	5093	Узук ва сирға 1 тўплам нуқсонли, узук 2 дона, у.о. 12,15 гр., с.о. 11,05 гр., 585 пр.	3 490 563,00
14.	5126	Узук 1 дона, у.о. 1,44 гр., с.о. 1,30 гр., 585 пр.	615 123,30
15.	5255	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,03 гр., с.о. 2,43 гр., 585 пр.; сирға 1 жуфт, у.о. 3,34 гр., с.о. 2,74 гр., 750 пр.	2 378 371,20
16.	5269	Узук 1 дона, у.о. 3,09 гр., с.о. 2,89 гр., 585 пр.	1 055 352,00
17.	5271	Билагузук 1 дона нуқсонли, узук 1 дона, у.о. 3,84 гр., с.о. 3,59 гр., 585 пр.	1 055 352,00
18.	5283	Узук 1 дона, у.о. 3,15 гр., с.о. 2,45 гр., 585 пр.	1 069 593,00
19.	5433	Узук 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 6,00 гр., с.о. 5,70 гр., 585 пр.	2 086 828,64
20.	5772	Узук 1 дона, у.о. 2,76 гр., с.о. 2,66 гр., 585 пр.	1 045 845,88
21.	5806	Узук 2 дона, у.о. 4,46 гр., с.о. 4,30 гр., 585 пр.	1 867 089,00
22.	5918	Занжир 1 дона, у.о. 3,81 гр., с.о. 3,81 гр., 585 пр.	1 738 920,00
23.	6005	Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 2,65 гр., с.о. 2,65 гр., 585 пр.	1 148 081,31
24.	6187	Сирға 1 жуфт, қолба 1 дона, у.о. 10,25 гр., с.о. 10,15 гр., 585 пр.	4 192 557,44
25.	6300	Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 3,60 гр., с.о. 3,60 гр., 585 пр.	1 460 160,00
26.	6492	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,23 гр., с.о. 4,73 гр., 585 пр.	2 153 793,26
27.	6707	Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 10,41 гр., с.о. 9,61 гр., 585 пр.	4 106 043,26
28.	6737	Узук 1 дона, у.о. 5,78 гр., с.о. 5,78 гр., 585 пр.	2 664 585 пр.,00
29.	6912	Узук 1 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 17,48 гр., с.о. 16,88 гр., 585 пр.	6 340 423,44
30.	7078	Узук ва сирға 2 тўплам, сирға 1 жуфт, занжир 2 дона, у.о. 45,22 гр., с.о. 42,42 гр., 585 пр.	20 482 500,00
31.	7083	Перстенъ 1 дона, у.о. 7,03 гр., с.о. 6,93 гр., 585 пр.	3 363 000,00
32.	7152	Узук 1 дона, у.о. 3,13 гр., с.о. 2,93 гр., 585 пр.	1 438 950,00
33.	7166	Узук 1 дона, узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 6,83 гр., с.о. 5,73 гр., 585 пр.	2 802 450,00
34.	7194	Узук 1 дона, у.о. 1,80 гр., с.о. 1,40 гр., 585 пр.	652 728,83
35.	7241	Билагузук 1 дона, у.о. 4,07 гр., с.о. 4,07 гр., 585 пр.	1 878 300,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
36.	7242	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,19 гр., с.о. 1,00 гр., 585 пр.	484 500,00
37.	7247	Сирға 1 жуфт, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 4,10 гр., с.о. 3,60 гр., 585 пр.	1 666 200,00
38.	7270	Узук 1 дона, у.о. 5,27 гр., с.о. 4,37 гр., 585 пр.	2 151 000,00
39.	7276	Билагузук 1 дона, у.о. 16,77 гр., с.о. 16,77 гр., 585 пр.	7 605 000,00
40.	7296	Сирға 2 жуфт нуқсонли, у.о. 3,91 гр., с.о. 3,41 гр., 585 пр.	1 446 648,62
41.	7309	Узук 1 дона синган, у.о. 2,20 гр., с.о. 2,20 гр., 585 пр.	484 500,00
42.	7386	Билагузук 1 дона, у.о. 1,76 гр., с.о. 1,76 гр., 585 пр.	878 400,00
43.	7394	Узук 3 дона, у.о. 8,75 гр., с.о. 7,85 гр., 585 пр.	3 293 847,32
44.	7456	Узук 1 дона, у.о. 1,85 гр., с.о. 1,35 гр., 585 пр.	636 000,00
45.	7457	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,02 гр., с.о. 2,82 гр., 585 пр.	1 302 600,00
46.	7524	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,69 гр., с.о. 1,40 гр., 585 пр.	578 502,72
47.	7535	Қолба 1 дона, у.о. 8,93 гр., с.о. 8,43 гр., 585 пр.	3 590 250,00
48.	7566	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,27 гр., с.о. 4,27 гр., 585 пр.	1 852 848,00
49.	7636	Узук 1 дона, у.о. 6,24 гр., с.о. 5,94 гр., 585 пр.	2 908 500,00
50.	7645	Билагузук 1 дона, занжир 1 дона, кулон 1 дона нуқсонли, узук ва сирға 2 тўплам, узук 1 дона нуқсонли, у.о. 31,80 гр., с.о. 28,10 гр., 585 пр.	12 786 300,00
51.	7686	Сирға 2 жуфт нуқсонли, у.о. 2,50 гр., с.о. 2,30 гр., 585 пр.	1 135 950,00
52.	7691	Узук 1 дона, у.о. 2,44 гр., с.о. 2,44 гр., 585 пр.	1 211 700,00
53.	7701	Соат 1 дона, у.о. 32,21 гр., с.о. 11,00 гр., 585 пр.	5 332 500,00
54.	7802	Сирға 2 жуфт, у.о. 5,05 гр., с.о. 4,45 гр., 585 пр.	1 469 906,50
55.	7876	Қолба 1 дона, у.о. 9,22 гр., с.о. 9,12 гр., 585 пр.	3 060 000,00
56.	7905	Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 9,62 гр., с.о. 9,62 гр., 585 пр.	4 681 050,00
57.	7912	Узук 2 дона, у.о. 11,60 гр., с.о. 10,10 гр., 585 пр.	4 575 000,00
58.	7953	Билагузук 2 дона, у.о. 43,36 гр., с.о. 43,16 гр., 585 пр.	20 482 500,00
59.	7979	Қолба 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 7,44 гр., с.о. 7,44 гр., 585 пр.	3 514 500,00
60.	8044	Узук 2 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, у.о. 11,95 гр., с.о. 10,95 гр., 585 пр.	5 332 500,00
61.	8160	Билагузук 1 дона, у.о. 2,98 гр., с.о. 2,98 гр., 585 пр.	1 357 794,48
62.	8170	Узук 1 дона, у.о. 2,82 гр., с.о. 2,42 гр., 585 пр.	1 196 550,00
63.	8228	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,58 гр., с.о. 2,58 гр., 585 пр.	1 096 762,00
64.	8246	Қолба 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 36,15 гр., с.о. 36,15 гр., 585 пр.	16 695 000,00
65.	8278	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,85 гр., с.о. 2,85 гр., 585 пр.	1 408 650,00
66.	8356	Қолба 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 21,04 гр., с.о. 21,04 гр., 585 пр.	9 574 500,00
67.	8531	Узук 1 дона, у.о. 2,28 гр., с.о. 2,18 гр., 585 пр.	1 075 350,00
68.	8611	Узук 1 дона, у.о. 3,06 гр., с.о. 2,16 гр., 585 пр.	787 500,00
69.	8615	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,74 гр., с.о. 4,44 гр., 585 пр.	2 181 300,00
70.	8618	Узук 1 дона, у.о. 4,97 гр., с.о. 4,67 гр., 585 пр.	2 302 500,00
71.	8627	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,85 гр., с.о. 1,82 гр., 585 пр.	923 850,00
72.	8748	Узук 1 дона, у.о. 4,07 гр., с.о. 3,57 гр., 585 пр.	1 757 100,00
73.	8755	Занжир 1 дона, у.о. 7,23 гр., с.о. 7,23 гр., 585 пр.	3 529 650,00
74.	8793	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,33 гр., с.о. 1,83 гр., 585 пр.	908 700,00
75.	8856	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,09 гр., с.о. 3,89 гр., 585 пр.	1 999 500,00
76.	8911	Узук 4 дона, у.о. 9,83 гр., с.о. 8,83 гр., 585 пр.	3 817 500,00
77.	8933	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,76 гр., с.о. 3,76 гр., 585 пр.	1 848 000,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
78.	9072	Узук 1 дона, у.о. 10,62 гр., с.о. 7,62 гр., 585 пр.	3 666 000,00
79.	9141	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 4,76 гр., с.о. 4,46 гр., 585 пр.	2 075 250,00
80.	9308	Узук 1 дона, у.о. 2,53 гр., с.о. 1,93 гр., 585 пр.	954 150,00
81.	9372	Узук 1 дона, у.о. 5,59 гр., с.о. 5,59 гр., 585 пр.	2 656 585 пр.,80
82.	9463	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 2,86 гр., с.о. 2,56 гр., 585 пр.	1 257 150,00
83.	9493	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,03 гр., с.о. 1,83 гр., 585 пр.	787 500,00
84.	9498	Узук 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 5,28 гр., с.о. 5,28 гр., 585 пр.	2 605 500,00
85.	9628	Узук 1 дона, у.о. 1,21 гр., с.о. 1,11	

